

**O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta Maxsus
Ta'lim vazirligi**

Qarshi Muhandislik Iqtisodiyot Instituti



Neft va Gaz Fakulteti

**5541800 - “Geologiya-qidiruv ishlarining texnika va texnologiyasi”
bakalavr ta'lim yo'nalishi talabasi
Shomurodov Shaxboz Erol o'g'lining**

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Mavzu: Shimoliy Shurtan konida qiya quduqlarni burg'ilashdagi murakkabliklar
va ularning oldini olish tadbirlari

Rahbar:

dots. T.R.Yuldashev

Bitiruvchi:

Sh.E.Shomurodov

«Himoyaga ruxsat etildi»

“TMJ” kafedrasi mudiri

dots. X.Q.Eshkabilov

imzo

ilmiy unvoni, F.I.SH.

« » 2014 yil

«Himoya uchun DAK ga yuborildi»

Fakultetdekani:

dots. Z.U.Sunnatov

imzo

ilmiy unvoni, F.I.SH.

« » 2014 yil

Qarshi - 2014yil

Qarshi Muhandislik Iqtisodiyot Instituti

“TMJ” kafedrası mudiri

dots. X.Q.Eshkabilov

(imzo, f.i.sh)

« ____ » _____ 2014 yil

Bitiruv malakaviy ishi bo'yicha

T O P S H I R I Q

Talaba: Shomurodov Shaxboz Erol o'g'li

1. Malakaviy ish mavzusi: Shimoliy Shurtan konida qiya quduqlarni burg'ilashdagi murakkabliklar va ularning oldini olish tadbirlari

Institutning №588/T buyrug'i bilan 06.12.2013 yilda tasdiqlangan

2. Malakaviy ishni topshirish muddati 25.06.2014 yil.

3. Malakaviy ish uchun malumotlar “Sho'rtanneftgaz” UShK arxiv va yillik hisobotlari malumotlari, texnik adabiyotlar, internet malumotlari, ilmiy jurnallar, o'quv adabiyotlari.

4. Xisobiy izox qismining mazmuni (ishlab chiqilishi lozim bo'lgan savollar ruyxati) Kirish, geologik qism, asosiy qism, mehnat muhofazasi va texnik xavfsizligi, atrof muxit muhofazasi, iqtisodiy qism..

5. Chizmalar ruyxati (bajarilishi shart bulgan chizma va grafiklar)

1. Шимолий Шўртан конини жойлашув харитаси.
2. Қия йўналтирилган қудуқларнинг конструкцияси
3. Қудуқларни қия йўналтиришда қўлланиладиган жиҳозлар.
4. 15 Н қия қудуқнинг ҳисобий схемаси.

6. Malakaviy ish bo'yicha maslahatchilar:

O.B.Yakubov

**Kunduzgi bo'lim bitiruvchi talabalar uchun malakaviy bitiruv ishini
bajarilishi bo'yicha kalendar grafik**

Haftalar soni	Malakaviy ishning bo'limlari	Malakaviy ishning hajmi, bet	Umumiy hajmga nisbatan, %	Bajarilganligi to'g'risida belgi
14.04.14-19.04.14	Kirish			Bajarilgan
24.04.14-03.05.14	Umumiy qism			Bajarilgan
05.06.14-24.05.14	Asosiy qism			Bajarilgan
26.05.14-31.05.14	Atrof muhit muhofazasi			Bajarilgan
02.06.14-07.06.14	Mehnat muhofazasi va texnika xavfsizligi			Bajarilgan
09.06.14-14.06.14	Iqtisodiy qism			
09.06.14-14.06.14	Xulosa			Bajarilgan
	Adabiyotlar			Bajarilgan
16.06.14-21.06.14	Chizmalarni jihozlash	4		Bajarilgan
	Jami:	97	100	

Topshiriq olingan kun: 30.03.2014 yil

Rahbar:

dots. T.R.Yuldashev

Bitiruvchi:

Sh.E.Shomurodov

Қарши Мухандислик Иқтисодиёт Институти

Битирув малакавий иш бўйича раҳбарнинг тақризи

Талаба: Шомуродов Шахбоз Эрол ўғли

Малакавий иш мавзуси: Шимолий Шўртан конида қия қудуқларни бурғилашдаги мураккабликлар ва уларни олдини олиш тадбирлари

Малакавий иш ҳажми:

Ўзма изох қисми:

Чизмалар сони:

4

Мавзунинг долзарблиги: Нефт ва газ қазиб олишни жадаллаштиришда қия йўналтирилган қудуқлардан самарали фойдаланилмоқда. Қия йўналтирилган қудуқларнинг самарадорлигини юқори бўлиши тугаллаш жараёни билан боғлиқдир.

Битирувчининг умумтехник ва махсус тайёргарлиги тавсифи: Битирувчининг умумтехник ва махсус фанларни ўзлаштириш даражаси, кўпроқ мустақил ишлашга ва соҳани ўзлаштира келажақда яхши мутахассис бўлиб етишади.

Битирувчи талабанинг мустақил ишни бажариш лаёқати, махсус адабиётлардан фойдаланиш қобилияти ва шахсий хусусиятлари. Битирув малакавий ишни бажаришда кон маълумотлари хисоботлари, илмий манбалардан, фан ва техника ютуқлари, илғор техника тажрибаларидан ҳамда интернет маълумотларидан фойдалана олган, битирувчи берилган мавзу бўйича топшириқларни ўз вақтида бажарди, интилувчан ва ўз устида мустақил ишлаш қобилиятига эга.

Малакавий ишнинг ижобий томонлари: Битирув малакавий ишда қия йўналтирилган қудуқларни қўллаш, тугаллашда бурғилаш эритмаларига қўйилган талаблар, маҳсулдор қатламни очиш қудуқларни самарали тугаллаш, қудуқларни тугаллаш технологиясини яхшилаш, қудуқлар ишга туширилгандан кейин замонавий техника ва технологияларни қўллаш бўйича янги маълумотларни ўрганиб чиққан ва кўрсатмалар берган. Бу маълумотлардан ўқув жараёнида фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Малакавий иш баҳоси: (максимал балл-100 балл) 86 балл.

Малакавий иш раҳбари:

доц.Т.Р.Юлдашев

«_____» _____ 2014 йил

Қарши Мухандислик Иқтисодиёт Институти

Нефт ва газ факультети “Геология қидирув ишларининг техника ва технологияси” таълим йўналиши

Шомуродов Шахбоз Эрол ўғлининг битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Малакавий иш мавзуси: Шимолий Шўртан конида қия қудуқларни бурғиладиган мураккабликлар ва уларни олдини олиш тадбирлари

Малакавий ишнинг ҳажми:

а) ёзма изоҳ қисми: арақлар сони:

б) график қисми: чизмалар сони:

4

Малакавий иш мавзусининг долзарблиги ва берилган топшириққа мослиги:

Битирув малакавий иши берилган мавзуга мос келади, танланган мавзу долзарбдир. Нефть ва газ қазиб олишни кучайтиришни энг замонавий йўлларида бири қия йўналтирилган қудуқлардан фойдаланишдир.

Малакавий ишнинг ёзма изоҳ ва график материалларининг таркиби ва бажарилиш сифати: Битирув малакавий ишнинг ёзма изоҳ ва график материалларининг таркиби тўлиқ, бажарилиш сифати талаб даражасида.

Малакавий ишда илмий манбалар, фан-техника ютуқлари ва илгор тажриба натижаларидан фойдаланилганлиги: Битирув малакавий ишда “Ўзгеобурғунегфгаз” АҚ ва “Ҳисоролди нефть ва газ қидирув экспедицияси” ШК маълумотларидан, илмий адабиётлар, илмий мақолалар, фан-техника ютуқлари ва интернет маълумотларидан унумли фойдаланилган.

Меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси қисмининг ёритилганлиги: Битирув малакавий ишда умумий қисм, асосий қисм, атроф муҳит муҳофазаси, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги ва иқтисодий қисмларини ёритилиши талаб даражасида.

Малакавий ишнинг техник-иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги: Малакавий иш техник-иқтисодий жиҳатдан асосланган, конни жорий ҳолати таҳлил қилинган, қолдиқ уюмлар зоналар бўйича ўрганилган ва истиқболли кўрсаткичлари бўйича тавсиялар берилган.

Малакавий ишнинг ижобий томонлари ва амалий аҳамияти: Битирув малакавий ишини асослаш учун битирувчи кўпгина янги маълумотларни таҳлил қилган ва интернет маълумотларидан самарали фойдаланган. Қия йўналтирилган қудуқларни бурғиладиган жараёнида учрайдиган бир қатор муаммоларни тўлиқ ёритишга ҳаракат қилган ва ўз фикрларини баён қилган. Қия йўналтирилган қудуқларни перфорация қилиш технологияларини ўрганган ва уларда қўлланиладиган технологик жиҳозларни таҳлил қилиб чиққан. Амалий мисол тариқасида Шимолий Шўртан конидаги қия йўналтирилган қудуқ олиниб, унда қўлланиладиган жамланмаларнинг таркиби ишлаб чиқилган ва мустаҳкамлаш ҳисоблари амалга оширилган. Битирув малакавий иши талаб даражасида, режага мос келади ва тўлиқ ёритилган.

Малакавий ишдаги камчиликлар: Битирув малакавий ишда камчиликлар кузатилмади.

Малакавий битирув ишнинг баҳоси (максимал балл – 100 балл) ва битирувчига унга мос йўналиш бўйича «Бакалавр даражаси» берилиши мумкинлиги тўғрисида хулоса: Малакавий битирув иши 89 балга баҳоланди ва битирувчига «Бакалавр даражаси» берилишига лойиқ.

“Қашқадарё пармалаш
ишлари” кспедицияси”ОАЖ

Горизонтал қудуқларнинг тугаллаш хусусиятларини ўрганиш

Мундарижа

Кириш

I. Геологик қисм.

- I.1. Жанубий Кемачи кони ҳақида умумий маълумотлар.
- I.2. Жанубий Кемачи конининг геологик – геофизик тавсифномаси.
- I.3. Маҳсулдор горизонтнинг асосий параметрлари.
- I.3.6. Қатлам нефтининг тавсифи.
- I.4. Гидрогеологик тавсифи.
- I.5. Нефть газ конденсат захираси.

II. Асосий қисм.

- II.1. Коннинг кўрсаткичлари бўйича маълумот
- II.2. Кондан қазиб олинган маҳсулотлар ҳақида маълумот
- II.3. Жанубий Кемачи конида горизонтал қудуқлардан нефть қазиб олиш жараёни ҳолатини таҳлил қилиш.
- II.4. Горизонтал қудуқларни турини танлаш.
- II.5. Қудуқларни тугаллаш усулини танлашга таъсир этувчи омиллар.
- II.6. Горизонтал қудуқларни тугаллашда бурғилаш эритмаларига қуйилган талабларни ўрганиш
- II.7. Горизонтал қудуқларда маҳсулдор қатламни очиш.
- II.8. Горизонтал стволларни тугаллаш технологияси ва усуллари
- II.9. Қудуқларни тугаллаш технологиясини яхшилаш.
- II.10. Қудуқларни тугаллашни усулларини танлашда таъсир этувчи омиллар
- II.11. Горизонтал қудуқларни перфорация қилиш
- II.12. Горизонтал қудуқни гравийли фильтр билан тугаллаш.
- II.13. Горизонтал қудуқларда қатламларни ажратишда бошқариладиган КРР жамланмасининг техника ва технологиясини қўллаш

III. Атроф муҳит муҳофаси.

- III.1. Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш.
- III.2. Нефть ва газни қидиришда, ишлатишда ва сақлашдаги муҳофаза қилиш тадбирлари.
- III.3. Атмосфера ҳавосини химоя қилиш.

IV. Меҳнат муҳофазаси ва техника ҳавфсизлиги

- IV.1. Меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари асослари.
- IV.2. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг давлат назорати ташкилотлари.
- IV.3. Иш вақти ва ундан фойдаланиш
- IV.4. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНИТАРИЯСИ
- IV.5. САНОАТ ВЕНТИЛЯЦИЯСИ (шамоллатиш қурилмалари)
- IV.6. САНОАТНИ ЁРИТИШ
- IV.7. Тебранишдан ва шовқиндан химоялаш
- IV.8. Ёнгин ҳавфсизлиги олдини олиш ва биринчи ёрдам курсатиш.
- IV.9. Газларни чангдан ва суюқлик заррачаларидан тозалаш.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар.

Ўзбекистонда бошқа давлатларга нисбатан иқтисодий барқарорликни таъминлаш масаласи, давлат мустақиллигининг биринчи кунидан бошлаб иқтисодиётнинг асосий марказий масаласи сифатида қаралди.

Республикамиз Президенти И.А. Каримов томонидан ўз йўлимизни янгилаш ва истиқболнинг ташқи ва ички концепсиясини тўғри йўналиши ишлаб чиқилди. Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий сиёсат жараёнларни барқарор ривожланишига йўналтирилган бўлиб, барқарорлик иқтисодиётнинг ютуғи сифатида қаралган ҳамда нефтгаз саноатидаги қархоналарнинг ривожланиши муҳим иқтисодий кўрсаткичлардан бири ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикасида нефт ва газ саноати кўп тармоқли ҳисобланади, ўзининг таркибида вертикал-интеграцион тизимни ташкил қилади, қудуқнинг тубидан истеъмолчигача бўлган тармоқни назорат қилади. Бундай катта қувватга эга бўлган тизимнинг барқарорлигини таъминлаш етук билимдон мутахассисларни ўқитишни ва тарбиялашни тақозо этади. Нефт ва газ тармоғида фаолият юритиш учун бир миллиондан кўп коллеж битирувчилари, бакалаврлар ва магистрлар мустақиллик йилларида тайёрланда ҳамда шу соҳада муваффақиятли фаолият кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси нефт қазиб олиш бўйича қарийб 125 йиллик тарихга эга бўлиб, ҳозирги вақтда ёнилғи-энергетика ресурсларини экспорт қилиш бўйича Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Республикамиз ҳудудининг 60 %ига яқини ер ости нефт ва газ манбаларига бой бўлиб, ҳудудимизда 5 та асосий: Устюрт, Бухоро-Хива, Ҳисор, Сурхондарё ва Фарғона нефтгазли регионлари бир-биридан ажралиб туради.

Жаҳон ёқилғи энергетика балансида нефт ва газнинг салмоғи тўхтовсиз ошиб бормоқда. Ҳозирги вақтда ёқилғининг бу турлари жаҳонда энергияга бўлган эҳтиёжнинг 70-75 % қондираяпти. Нефт ва газни қазиб чиқаришни кўпайтириш эвазига энергия истеъмол қилиш ортиб бормоқда.

Нефт ва газ муҳим кимёвий хом ашё бўлиб, ҳозирги замон саноати ва энергетикаси барча турларида унинг маҳсулотларидан қандайдир миқдорда фойдаланилади. Республикамиз мустақиллигидан сўнг, барча соҳалар қаторида нефт ва газ саноати ривожланишига алоҳида эътибор берилди, тўлиқ ёқилғи таъминоти мустақиллигига эришилди.

Мустақил республикамизнинг ривожланишида ҳозирги замон нефт ва газ саноати қисқа муддатларда катта муваффақиятларга эришди, республикамиз нефт ва газ маҳсулотларига ўз эҳтиёжларини таъминлаш билан бир қаторда энергия манбаларини четга сотишни йўлга қўйди. Янги нефт ва газ объектлари ишга туширилиши билан жаҳон андозалари

даражасига жавоб берувчи юқори технологик қувватли ишлаб чиқариш қурилмалари фойдаланила бошланди.

Республикада нефт ва газ тармоқларининг асосий вазифаларидан бири истеъмолчиларни тўхтовсиз равишда нефт ва газ маҳсулотлари билан таъминлаш ҳисобланади.

Юқоридаги масаларни тизимли равишда амалга ошириш учун табиий газни гидравлик режимга ва ташиш технологиясига риоя қилиш, газ транспорт тизимини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, газни тақсимлаш тизимларида табиий газдан фойдаланишни тежамкорлигини таъминлаш, автомаштирилган газни ўлчашни тадбиқ қилиш зарурдир.

Ўзбекистон Республикасида тармоқни жадал ривожланишида “Шўртан газ кимё мажмуаси”, “Шўртаннефтвергаз” УШК, “Муборакнефтвергаз” УШК, “Ўзгеобурғинефтвергаз” АК ва “Нефтвергазқазибчиқариш” АКнинг ўз ўрни бордир. Бундай муҳим масалаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-1108 (5 май 2009 йил) қарорига асосан “Муборак НКЎЗ”да пропан-бутан ажратиб олиш қурилмасини (ПБАОҚ) ишга тушириш ҳамда ички ва ташқи бозорга маҳсулотни сотиш масаласи қўйилди. Муборак НКЎЗди томонидан 258 минг тонна суюлтирилган углеводород газини ва 125 минг тонна газ конденсатини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Маълумки Республикада 2012 йилгача Қамашини эгилмасида 10 та кон (Оқназар, Шимолий Оқназар, Чўлқувар, Қамашини, Бешкент, Шимолий Гирсан, Гирсан, Девхона, Чигил ва Хужум) очилди ва ишга туширилди. Чўлқувар, Қамашини ва Бешкент конларида етарли даражада геологик-геофизик материаллар тўпланди. Шу конларнинг чегарасида 24 излов-қидирув қудуқлари бурғиланди.

Чўлқувар, Қамашини, Бешкент, Чарағон, Чорғумбаз конларининг тузилмаси излов бурғилаш ишларини олиб боришга тайёрланди.

Ҳозирги даврда нефт ва газ тармоқлари олдига конларни ишлатиш ва қудуқларни ишлатиш технологиясини замонвий тизимларни жорий қилиш бўйича стратегик масала ўрта қўйилган. Бундай вазифаларни ҳал қилиш учун конларни ишлатишда углеводородларнинг фильтрация оқимларини бошқаришни, уларни нефт ва газ қудуқларни туби қисмига оқимини йўналтиришнинг оптимал ишланмаларни ишлаб чиқиш масалалари қўйилган.

Қудуқларни бурғилаб очиш ва синаш ишлари геологик-қидирув ва қудуқларни ишлатишнинг асосий жараёнлари ҳисобланади ҳамда уларнинг самарадорлик кўрсаткичларни маҳсулдор қатламларни сифатли очилиш кўрсаткичига боғлиқдир.

Шу мақсадда мазкур битирув малакавий ишимда қия йўналтирилган қудуқларни самарали бурғилаш ишларини олиб боришда қатламнинг геологик шароитидан келиб чиқиб эритмаларни таркибини аниқлаш ва тайёрлаш, бурғилашни репрессияда олиб бориш режими белгиланади. Аномал юқори босимли қатламда бурғилаш ишларини олиб боришда

кудукни ювишда циркуляция тизимида махсус эритмаларда фойдаланилади, махсулдор қатламни очиш очишни самарадорлиги Шимолий Шўртан нефтгазконденсат кони шароитида ўрганилади ва олинган маълумотлар бошқа кон маълумотлари билан таққосланиди ва мос бўлган тавсиялар келтирилади.

Мавзунинг долзарблиги. Қия йўналтирилган қудуқларни кам дебитли ва қалинлиги кичик бўлган қатламларда ҳамда қолдиқ нефть маҳсулотларини қазиб олишда қўллаш тик қудуқларга юқори самаралидир. Қия йўналтирилган қудуқларни тугалланишида махсулдор қатлам конструкциясини тўғри танлаши кўп омилларга боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда Қия йўналтирилган қудуқларни бурғилаб ишга тушириш кўрсаткичи пасайган. Қия йўналтирилган қудуқларни самарали бурғилаш ва қуйкумларнинг сифатли ювилишини самарали тугаллаб ишга туширилиши билан боғлиқдир. Қия йўналтирилган қудуқларни самарали тугалланиши қудуқ туби конструкциясини янги технологияларини қўлланилишини талаб қилади.

Бугунги кунда горизонтал, тик, қия ва радиал йўналтирилган қудуқларни бурғилаш жараёнини олиб борилиши, махсулдор қатламни очилиши ва сифатли ўзлаштирилиши, қудуқ деворига бурғилаш асбобларини ёпишиб ва тўхтаб қолиши ҳолатларини ҳаммаси бурғилаш эритмасини циркуляцияси билан боғлиқдир ва шу жараёндаги масалаларни ўрганиш долзарбдир.

Мавзунинг мақсади ва вазифалар. Қия йўналтирилган қудуқларнинг тугаллашда бурғилаш эритмаларига қуйилган талаблар ва мураккабликларнинг келиб чиқиши, қудуқ тубини тугаллаш конструкциясини танлашни асослаш каби муҳим масалалар тўғрисидаги муаммоларни ёритишдан иборат.

Қудуқ конструкциясини асослаш, циркуляция тизимининг параметрларини ва жамланмасини тўғри танлаш, қудукни ювишни технологик жараёнини ишлаб чиқиш ва циркуляцияда гидравлик ҳисобни олиб бориш ва қудуқдан қуйкумларни ювилиб чиқишини таъминлашдан иборат.

Мавзунинг амалий аҳамияти. Бурғилаш эритмаларини қудуқ стволи мустаҳкамлигига таъсир этиши, қуйкумларни ювилиш даражаси, цементлаш сифатини ёмонлиги ҳар хил мураккабликларни келтириб чиқаради. Қудуқларни сифатли тугаллашда мураккабликларнинг олди олиниши ва бурғилаш эритмаларини тўғри танланиши қудуқ туби конструкциясини тўғри асослашга олиб келади.

Циркуляция тизимини параметрларини асослаш, ювиш жараёнини олиб бориш режимини ўрнатиш ва унинг гидравлик ҳисоби амалий аҳамиятга эгадир.

Мавзунинг илмийлиги. Маърузада қия йўналтирилган қудуқларнинг тугалланишини яхшилаш, бурғилаш эритмаларини таркиби бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган, қудукни ишга туширишда қўлланиладиган янги қудуқ туби жамланмасининг техника ва технологиясини қўллаш доир таклифлар

берилган. Циркуляция тизимининг жамланмаси ва параметрлари тўғри танланади, қудуққа ҳайдаладиган ва ундан қайтиб чиқиб қайта тайёрланадиган эритмаларнинг сифати яхшиланади, қудуқ стволида ўтириб қолишлар содир бўлмайди, қўшимча ҳаражатларни келиб чиқишига йўл қўйилмайди, коллекторларнинг ифлосланиши содир бўлмайди, қудуқ жиҳозлари ва насосларини тўғри танланиши ҳисобига қудуқ ўз вақтида ишга туширилиб, маҳсулот олишга эришилади.

Мавзунинг илмий янгиликлари. Қия йўналтирилган қудуқларнинг тугаллашда қўлланиладиган бурғилаш эритмаларига қўйилган талаблар ёритилган, қудуқ тубининг тугалланиш конструкциялари келтирилган ва асосланган.

1. Умумий қисм.

1.1. Кон ҳақида умумий маълумот.

Бешкент эгиклигининг чегараларида йирик газ-конденсат конларининг (Помук, Ўртабулоқ, Шимолий Ўртабулоқ, Культак, Зеварда, Алан, Шўртан, Зафар ва бошқа) бу регионнинг нефть ва газ конларига бой эканлигидан далолат беради. Шимолий Шўртан газ нефтли конининг очилиши бу регионни юқори даражада нефть ва газга бой эканлигидан далолат беради. Шимолий Шўртан майдонида излов бурғилаш ишлари 1979 йил бошланган эди. №2 кудукни синашда 3704-3707 м ораликларда нефть оқими олинган. Нефть дебети 5 мм ли штуцер орқали 85 м³/сут ни ташкил этди. Газнинг дебети 17,7 минг м³/сут ни ташкил этди. Қатлам босими $P_{\text{кат}}=391,5$ атм.

Шимолий Шўртан кони Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида жойлашган. Майдон Ғузор марказидан жанубий-ғарбий йўналишда 20 км да жойлашган. Майдонда аҳоли пунктлари жойлашган. Раённинг асосий аҳолисини ўзбеклар, камроқ тожик ва руслар ташкил этади. Раённинг об-хавоси кескин континентал бўлиб ҳисобланади. Қишда ҳаво ҳарорати – 20°C ни, ёзда + 45°C ни ташкил қилади. Майдоннинг рельеф абсолют кўрсаткичлари мусбат 450 дан 500 м га тебранади. Бундай рельефда автотранспорт ҳаракати қийинлашади, ҳамда бурғилаш ускунасини транспортировка қилиш анча қийинлашади. Майдондан 7 км шимолроқда бир-бирига параллел равишда Тошкент – Китоб темир йўли ўтган. Қарши – Ғузор асфальтланган йўл ҳам шу ердан ўтган. Ёритилаётган майдон қўшни майдонлар (Шўртан, Зафар, Жамбулоқ, Чатиртепа, Мавлонқудук ва бошқа) да бурғиланган чуқур кудуклар орқали ўрганилган. Бурғилаш натижасида полеоген, бур ва юра карбонат ётқизикларининг юқори қисми бўйича тузилмали харитаси тузилган. №1 Шимолий Шўртан кудуғининг бурғилаш натижасида 3753 м чуқурликдан ОПТ-7-10 қурилмаси ёрдамида 4-5 метр микдорида нефть оқими олинган, кейинги синашларда эга бу ораликларда нефть плёнкали қатлам сувлари олинган. №2 кудукни синашда эса 3704-3707 м ораликларда саноат аҳамиятига эга бўлган нефть оқими олинган 5 мм ли штуцер орқали нефть дебети 85 м³/сут ни, газ дебети эса 17,7 минг м³/сут ва қатлам босими 391,5 атм ни ташкил этади.

1.2. Тектоника.

Тектоника алоқаларда Шимолий Шўртан тузилмаси Бешкент эгилмасининг жанубий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, Аляудин тектоник зонага киради. Геофизик изланишлар материалларга қараганда, майдон тузилмаси суб-меридианал баландликка эга бўлиб, Шўртан гумбазидан унча катта бўлмаган эгиклик билан ажралган.

ОГТ профили бўйича гумбаз тўсикли риф сифатида ажралиб туради, бу тўсикли риф тузилмаси Бешкент эгилмасининг жанубий-шарқий қисмида

ташкил топган. Палеоген тузилмалари, бур ва туз қатламларининг юқори қисми Шўртан гумбазининг шимолий-шарқий қисмидаги паст қатламдан иборатдир. Гумбаз риф ётқизиқлари учун мос бўлган кимеридж-титон тузли ётқизиқларининг қисқариши натижасида регион моноклинали сифатида намоён булган. ОГТ нинг сейсмоқидирув ишларига асосан Шимолий Шўртан тузилмаси пастки ангидритларнинг юқори қисми бўйича шимолий-шарқий қатламга кўндаланг бўлган икки гумбазни ташкил этади. Бунда бу гумбазлар шимолдан жанубга қадар тектоник бузилишларга учраган.

Шимолий-шарқий гумбазнинг ўлчамлари манфий 3250 м изогипслар бўйича 3,5х2 км ни, баландлиги 110 м ни ташкил этади; жанубий-ғарбий гумбаз эса 3,5х3 км ни, баландлиги 50 м ни ташкил этади. Иккала гумбаз ҳам манфий 3300 м изогипс бўйича унча катта бўлмаган бузилиш билан бирлашган. Карбонатли юра ётқизиқларининг юқори қисмидаги тутқич ўлчамлари 9х3 км, баландлиги 160 м бўлган рифли массивни ташкил этади. Шимолий Шўртан майдони Шўртан изоконденсат конидан шимоли-шарқий ўналишида 5 км да жойлашган.

1.3. Нефтгазлилиги.

Шимолий Шўртан майдонида саноат аҳамиятига эса бўлган нефть ва газ оқими юра даврининг карбонат ётқизиқларида аниқланган. Бунда №2 кудукни синашда 3704-3707 м ораликларда дебити 85 м³/сут (5 мм ли штуцер орқали) га тенг бўлган нефть олинган ва 17,7 минг м³/сут га тенг бўлган газ олинган. Синаш маълумотларига асосан ва ишлаб чиқариш геофизик тадқиқотларга асосан «нефть-сув» контакти 3705 м (- 3235 м) чуқурликда ва «газ-нефть» контакти (- 3219 м) да ётади. №2 кудукда қатлам баландлиги 81 м ни, шунингдек нефть оторочкаси 16 м ни ташкил этади. Берилган маҳсулдор қатлам чегараларида бурғилаш натижаларига кўра, Шимолий Шўртан конида уч қават газлилик кузатилган: XV-риф ости, XV-рифли, XV-риф усти горизонтлари.

XV^{up} горизонтида мураккаб турдаги коллекторлар ажратилади, бунда ҳар хил зичликдаги ёриқсимон-ковак, ғовак оҳақтошларнинг навбатланиши кузатилади. Қалинлиги – 25-100 м.

XV^p горизонтида грануляр турдаги горизонт коллекторлари аниқланган бўлиб, ғовак-коваксимон оҳақтошлардан иборат монолит қатламдан иборат, ҳар жойда чиғаноктошли оҳақтошлар учрайди. Қалинлиги 120 м гача.

XV^{up} горизонтда аралаш турдаги коллекторлар мавжуд бўлиб, таркибида грануляр ва ёриқсимон-ғовак, зич оҳақтошлар навбатланиши кузатилади. Қалинлиги 45-140 м.

XVI горизонтда коллекторлар учрамайди, XVI горизонт ётқизиқлари мустаҳкам, пелитоморф, пастки қисмида гилли оҳақтошлардан иборатдир. Қалинлиги 100-150 м.


Шимолий Шўртан конида аниқланган маҳсулдор қатлам массив бўлиб ҳисобланади, маҳсулдор қатлам режими – сув босимли. Маҳсулдор қатлам баландлиги – 100 м ни ташкил этади.

№1,2 Шимолий Шўртан излов қудуқларига асосан, қатлам босими 391,5 атм ни, қатлам ҳарорати эса 130°C ташкил этди.

1.4. Қудуқни бурғилашнинг геологик шароити.

Бурғилаш жараёнида, юқорида айтилганидек, қудуқлар неоген, палеоген, бур, юра ётқизикларини ва юра терриген ётқизикларини 50 м чуқурликка бурғилаб ўтади. Жинсларни литологик таркибига кўра, неоген, палеоген, бур ётқизиклари, асосан, чиганоқтошли кумтош-гилли, гипслар ва оҳақтошлар эканлиги аниқланди (бухоро қатлами). Юра даврининг кесимида жинслар қуйидагича: юқори қисмида тузлар, пастки қисмида-ангидритлар, оҳақтошлар ва кумтош-гиллардан иборат.

Бур ётқизиклари чегараларида турон гиллари, альб, неоком-апт, гилларида инструментнинг қисилиши, қудуқ деворларининг нураши кузатилади. Альб ва неоком-апт ётқизикларида XII, XIII, XIV горизонтлар ажратилади. Бу горизонтларда сув босими катта бўлиб, улардаги босим гидростатик босимдан 40-45 атм га кўпдир. Бурғилаш жараёнида қийинчиликлар асосан туз қатламида бўлиб, у ерда роло ҳосил бўлиши, ҳамда қудуқ стволида катта коваклар ҳосил бўлиши кузатилади. Шунингдек, ангидрит қатламлари жойлашган ораликларда қудуқ стволининг қисқариши кузатилади. XV^{np}, XV^p, XV^{np} ва XVI (махсулдор горизонталар) горизонтларни бурғилаб ўтишда қуйидаги қийинчиликлар юзага келиши мумкин: нефтгаз ҳосил бўлиши, қисман бурғилаш эритмасининг ютилиши ва XV^p горизонтда инструментнинг қисилиб қолиши ва ҳакозо.



1-расм. Шимолий Шўртан конининг жoяшув харитаси

II. Асосий қисм.

2.1. Қия қудуқнинг конструкциясини танлаш.

Қудуқларни конструкцияси қудуқларни лойиҳавий чуқурлигигача мувоффақиятли олиб бориши қуйидаги талаблардан келиб чиқади: маҳсулдор қатламни сифатли очиш қатламнинг коллекторлик хоссасини сақлаб қолиш ёки яхшилаш; қонларни ишлатиш даврида қудуқларни самарали ишлатиш усуллари қўллаш.

Қудуқнинг конструкциясига бурғилаш мақсади ва усули таъсир қилади; синашда қатламда жойлашган маҳсулдор горизонтларнинг сони; маҳсулдор қатламни очиш ва бурғилашни геологик шароити; маҳсулдор қатламларни жойлашув чуқурлиги, маҳсулдорлиги ва коллекторлик хусусиятлари; қатлам ва ғоваклик босимлари ҳамда тоғ жинсини гидравлик ёриш босими; тоғ жинсларини нураши, сочилиши, қисилиши, ғовак шаклланиши, тоғ босимини мустаҳкамлаш тизмаларига узатилиши нуқтаи назаридан келиб чиқиб тоғ жинсларини физик-механик хоссалари ва бошқалар таъсир қилади.

Қудуқларнинг конструкциясини лойиҳалаштиришда мустаҳкамлаш тизмаларининг сони ва тушириш чуқурлиги алоҳида ствол ораликларини бурғилаш шароитини бирлаштириш мумкин эмаслиги талабларига мос ҳолда танланади, бурғилаш жараёнининг технологик параметрлари пастда жойлашган ораликларда қудуқнинг мустаҳкамланган юқори қисмидаги ораликларида мураккабликларни келтириб чиқармасликлари керак. Шу мақсадда чуқур қудуқларни лойиҳалаштиришда қатлам босимининг ўзгариш градиенти графиги $P_{кат}$, қудуқни чуқурлиги бўйича босимни графиги $L(\beta_{\bar{e}\bar{a}\bar{o}} = \bar{D}_{\bar{e}\bar{a}\bar{o}} / L)$; тоғ жинсини гидравлик ёриш градиенти $P_{гид.ёр}(\beta_{\bar{a}\bar{e}\bar{a},\bar{\delta}} = \bar{D}_{\bar{a}\bar{e}\bar{a},\bar{\delta}} / L)$ ва бурғилаш эритмасининг устун босимининг гидростатик босими уни зичлигига тенг ($\beta_{\bar{o},\bar{z}} = \rho_{\bar{o},\bar{z}}$) бирлаштирилган графиклари қурилади. Кўрсатилган босимлар кон тадқиқотлари ва олдиндан аниқланган маълумотлари асосида аниқланади. Юқори пластик тоғ жинсларининг ораликларида қатлам босими ($P_{кат}$) ўрнига ён тоғ босими, бурғилаш эритмасининг жадал ютилиш ораликларида $P_{гид.ёр}$ - ўрнига жадал ютилиш босими қабул қилинади.

Градиентларни ўзгариш чизиги $\beta_{\bar{e}\bar{a}\bar{o}}, \beta_{\bar{a}\bar{e}\bar{a},\bar{\delta}}, \beta_{\bar{a},\bar{y}}$ - бурғилаш шароитининг бирлаштирилган зонасидан мустаҳкамлаш тизмаси билан қудуқ зонасини мустаҳкамлаш, уларни сони ва тушириш чуқурлиги ҳамда бурғилаш эритмасини зичлиги аниқланади.

Мустаҳкамлаш қувурларини сони бирлаштирилган бурғилаш шароитининг зонасини сонидан аниқланади. Мустаҳкамлаш тизмасини тушириш чуқурлиги бурғилаш шароитининг бирлаштирилган зонасидан 10-

20-метр пастда бўлади. Мустаҳкамлаш зонасини бурғилаш учун бурғилаш эритмаларини зичлиги $\beta_{\text{сдд}} < \beta_{\text{сдд,д}} < \beta_{\text{а,у}}$ шартларига риоя қилинган ҳолда бирлаштирилган зонасини чегарасида жойлашиши керак. Мустаҳкамлаш тизмасини ва алоҳида ораликни бурғилаш учун бурғининг диаметри пастдан юқорига ишлатиш тизмасини диаметридан келиб чиқиб аниқланади.

Ишлатиш тизмасининг диаметри қазиб олинadиган махсулотнинг турига, кутиладиган дебитга, қатламнинг босимига, геофизик ишларни олиб бориш усулларига, таъмирлаш ва ушлаб олиш ва ҳақозоларга боғлиқ ҳолда танланади. Бунда ҳал қилувчи масала бўлиб, қатламдан керакли газни ёки суюқликни оқишини таъминлаш ҳисобланади. Нефть конлари учун ишлатиш тизмаси сифатида 168,146,140,127, ва 114 мм диаметрдаги мустаҳкамлаш қувурлари қўлланилади. Юқори босимли газ қудуқларида баъзида ишлатиш тизмаси сифатида катта диаметрдаги 219 мм ва ундан ҳам катта бўлган қувурлар қўлланилади.

Қудуқнинг стволини бурғилашда бурғиларнинг диаметри мустаҳкамлаш тизмасини лойиҳавий белгигача таъминлаш шартидан келиб чиқиб аниқланади, қазиб ўтилган сувлилик қатламлари ишончли бекитилади.

$$D_{\text{сдд}} = d + 2\delta$$

бу ерда: $D_{\text{сдд}}$ - қудуқнинг диаметри, мм; d - мустаҳкамлаш тизмасининг ташқи диаметри, мм; δ - қудуқнинг стволи билан мустаҳкамлаш тизмасининг оралиғидаги ҳалқа, мм,

2.1-жадвал

Мустаҳкамлаш тизмасини ташқи диаметри d , мм	114-127	140,146,159	168,194	214,245	273-299	376,426
Минимал оралик масофаси δ , мм,	10-15	15-20	20-25	30-35	35-45	45-50




Рис. 9.3. Варианты направленного бурения в обход препятствий и под соляной куполом

2.1-расм.

Бурғилаш аниқ шариотларида δ оралик масофанинг қиймати мустаҳкамлаш тизмасини каттиқлигидан, стволни эгриланиш ва олдинги тизманинг бошмоқи тагидан ораликни чиқиш даражасига мувофиқ ҳолда танланади.

Кудук стволининг диаметри $D_{\text{куд}}$ - ГОСТ -20692-75 бўйича ҳисоблангандан кейин унга мос бурғининг диаметри танланади. Энг сўнгги катталиққа нисбатан олдинги оралиқ тизманинг диаметри аниқланади, бунда ички диаметр тушириладиган бурғининг диаметрига нисбатан 6-10 мм катта бўлиши керак. Оралиқ тизмасининг ички диаметрини керакли катталиги бўйича ГОСТ 632-80 га мувофиқ мустаҳкамлаш тизмасининг яқин бўлган ташқи диаметри танланади.

Қувурнинг орқа фазосидаги тампонаж аралашмасининг кўтарилиш баландлиги коннинг геологик хусусиятларидан келиб чиқиб ўрнатилади.

- кондуктор учун - ер устигача;
- нефт кудукларининг лойиҳавий чуқурлиги оралиқ тизмалари учун 3000 метргача бўлса – геологик шароитини ҳисобга олиб, тизманинг бошмоқидан 500 метрдан кичик бўлмаган масофада цементланади;
- қидирув ва газ кудуклардаги оралиқ тизмалари чуқурлигига боғлиқ бўлмасдан ва нефт кудукларида лойиҳавий чуқурлиги 3000 метрдан катта бўлганда – кудукнинг устигача цементланади.

Нефт кудукларидаги ишлатиш тизмаси ҳамда газ ва қидирув кудукларида тадбирларни амалга ошириш шароитида мустаҳкамлаш тизмасини бириктириш жойидаги герметиклигини таъминлаш учун – олдинги тизманинг бошмоқини бекитишда тампонаж аралашмаси бошмоқнинг чегарасидан 100 метр юқоригача кўтарилади.

Кудук тубининг конструкцияси кудукнинг маҳсулдор қисми оралиғини мустаҳкамлаш элементларидан, кудук стволини мустаҳкамлигини таъминлаш, флюид таркибига эга бўлган гаризонтларни ажратиш, кудук уз оқ муддат хизмат қилишини таъминлаш, қатламга ҳар хил усулларда таъсир қилишни олиб бориш ва таъмирлаш – бекитиш ишларининг шароитидан келиб чиқиб танланади. Кудук тубининг конструкцияси объектни ишлатиш усулидан, коллекторларнинг туридан маҳсулдор қатлам тоғ жинсининг механик хоссасидан ва унинг жойлашув чуқурлигига боғлиқ ҳолда танланади.

Кудук тубининг конструкцияси асосан уч хил турда бўлади: а) очиқ – маҳсулдор қатлам мустаҳкамланмаган ва цементланмаган, фильтрли ёки фильтрсиз; б) аралаш маҳсулдор қатламнинг паски қисмини очиш, юқори қисми мустаҳкамланган, кейин эса цементланган ва перфорация қилинган; в) ёпиқ – бунда маҳсулдор қатлам мустаҳкам қувури билан тўлиқ бекитилган, кейин цементланган ва тешиб қатлам очилган; бундай ҳолатда кучли қум оқимини келиши содир бўлса, кудукнинг тубида фильтр ўрнатилган ёки ўтказмайдиган тампонаж материали билан цементланади.




Рис. 9.6. Вертикальная проекция направленной скважины тангенциального (I-го) типа

-расм. Тангенци типдаги йўналтирилган қудуқнинг вертикал проекцияси

2.2. Мустаҳкамлаш тизмасининг элементларини технологик жиҳозлари

Мустаҳкамлаш қувурлар бирикмасини жиҳозлаш элементлари ва қурилмаларини мажмуасидан ташкил топган бўлиб, қудуқнинг мустаҳкамлаш тизмасини мувофақиятли ва сифатли цементлашда қўлланилади ҳамда қатламларни ажратади ва қудуқни нормал ишлатиш талабларига жавоб бериши керак.

Бошмоқ - йўналтирувчи йўналтирувчи қисқа қувур билан биргаликда мустаҳкамлаш тизмасини ости қисмини жиҳозлашда қўлланилиб, қудуқнинг стволи бўйича ўтувчанлигини кўчайтириш ва пастки қувурларни ўтказишда шикастланишини олдини олади. Бошмоқ мустаҳкамлаш қувурлар бирикмасини пастки ичига резьба ёки пайвандлаб бириктирилади. Йўналтирувчи қисқа қувурлар асосан чўяндан ёки бетондан тайёрланади. Оралиқ тизмаларида қудуқни бурғилашни давом эттириш учун улар бурғилаб олинади. Диаметри 351 мм ва ундан катта диаметрдаги мустаҳкамлаш тизмаси учун бир қатор ҳолатларда бошмоқ фаскали металл йўналтирувчи калта қувурлар қўлланилади, қудуқнинг тубида металлни бурғилаб олишдан ҳам бўлади.

Бошмоқли калта-қувур — тешикли бўлиб, йўналтирувчи калта қувурларнинг тешиклари бекилиб қолган ҳолатларда қўлланилади.

Тескари клапан — қудуқларни мустаҳкамлаш даврида бурғилаш ёки тампанаж аралашмаларини тизманинг орқа оралиғидан мустаҳкамлаш тизмасининг ички қисмига оқиб киришини олди олинади. У монтаж қилинади ёки мустаҳкамлаш тизмасининг бошмоқидан 10-20 м юқорига ўрнатилади.

Тескари клапан корпусли ва корпуссиз кўринишда тайёрланади. Тўсиқли элементларининг кўринишига мувофиқ ликопчали, шарикли ва шарнирчи тўсиқ ғовли бўлади.

Ҳаракатланиш тартибига мувофиқ тескар клапанлар уч гуруҳга бўлинади:

- а) мустаҳкамлаш тизмасини қудуққа туширишда қувурнинг орқа томонидан суюқлик оқиб киришига йўл қўймайди;
- б) мустаҳкамлаш қувурлари бирикмаси қудуққа маълум чуқурликка туширилгандан кейин босимлар фарқи пайдо бўлганда қувур орқасидан суюқликни ўзини кириб келишини таъминлаш, лекин эритмани тескари циркуляция бўлишига йўл қўймаслик;
- в) қудуққа туширишда мустаҳкамлаш тизмасини доимий ўзини тўлишини таъминлаши ва тескари циркуляция усули орқали ювиш мумкинлиги.

Агарда газнефтсув пайдо бўлиши мумкин бўлса, ютилиш мавжуд бўлмайди, тик ва қия йўналтирилган қудуқларни мустаҳкамлашда биринчи ва иккинчи гуруҳдаги тескари клапанлар қўлланилади. Ютилиш мумкин бўлганда ва қатламдан пайдо бўлишлар мавжуд бўлмаганда тик ва қия йўналтирилган қудуқларни мустаҳкамлашда учинчи гуруҳдаги клапанлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Таянч ҳалқа (стоп ҳалқа) – қудуқларни цементлашда тампонаж эритмасини бостиришда ҳайдаш жараёнини тугалланганлиги тўғрисида аниқ сигнал олиш учун қўлланилади. У қўнғир чўяндан тайёрланади ва бошмоқдан 10-30 метр оралиқ масофада мустаҳкамлаш тизмасининг муфтасида ўрнатилади.

Марказлагичлар – мустаҳкамлаш қувурлар бирикмасини қудуқнинг стволида марказда жойлашиши ва ҳалқа орқасини цемент аралашмаси билан бир текисда жойлашишини ва қатламларни сифатли ажратишни таъминлашда қўлланилади. Бундан ташқари марказлагич мустаҳкамлаш қувурлар бирикмасини тушириш жараёнини енгиллаштиради. Мустаҳкамлаш қувурлари ва қудуқнинг деворини оралиғидаги ишқаланиш кучини камайтиради, тампонаж бурғилаш эритмасини сиқилиш даражасини марказлагич зонасида буралма ҳаракатини пайдо бўлишини таъминлайди ҳамда хвостовикларни осилиш бўйича ишини енгиллаштиради ва уларни юқори учигаги мустаҳкамлаш тизмасини секциясини бирикишини марказлаш ҳисобига енгиллаштиради.

Марказлагичлар конструкцияси-бўйича ечиладиган ва ечиб олинмайдиган, пружинали ва қаттиқ, пружинали клапанларни маҳкамлаш хусусиятига мувофиқ пайвандладиган ва ечиб олинмайдиган турга бўлинади. Уларни ҳар бир мустаҳкамлаш қувурининг ўрта қисмига ва кўпроқ қувурнинг эгилган жойига ўрнатилади.

Қия йўналтирилган қудуқларни мустаҳкамлашда марказлагичлар мажбурий қўлланилади.

Қирғич – қудуқларни бурғилаш ва цементлаш жараёнида қудуқнинг деворида қотиб қолган қобиқларни парчалаб тозалашда қўлланилади. Симли

киргичлар коронка туридаги стопор ҳалқаси билан жамланади, пона билан маҳкамланади ва марказлагич билан бир қаторга ўрнатилади.

Турбилизатор – кудуқларни цементлашда қувурнинг орқа фазосида кирувчи тампонаж аралашмасини тузилмасини бузиш учун буралма оқимни ҳосил қилади. Турбилизатор мустаҳкамлаш тизмасини зонасида кудуқ стволининг кенгайган жойларида бир-биридан 3 метр оралиқ масофасида ўрнатилади. Турбилизаторнинг кураклари металдан ёки резинали материаллардан тайёрланади.

Поғонали цементлаш муфтлари – кудуқларни мустаҳкамлашда тампонаж аралашмасини катта баландликка (3000 метргача ва катта) кўтариш керак бўлганда қўлланилади. Мустаҳкамлаш тизмаси муфта билан жиҳозланганда икки поғонали цементлашни амалга оширишни имконияти бўлади. Муфта кудуқнинг стволида ўтказмайдиган тоғ жинсларида, мустаҳкам участкасида, стволда кенгайиш, коваклар ёки тарнов шаклланмаган жойларда ўрнатилади, қия йўналтирилган кудуқларда эса стволнинг тик участкасида ўрнатилади.

Хвостовикни ва мустаҳкамлаш тизмасини секциясини ажратгичлар-бурғилаш қувурларига ва ички тизмани цементлашда туширишни хавфсизлигига таъминлашга мўлжалланган бўлиб, мустаҳкамлаш тизмасининг секциясини цементлаб ундан кейин эса ундан бурғилаш қувурини ажратишда қўлланилади. Ажратгичлар резбали (чап резба) ва резбасиз бўлиб, муштли, қулфли ва штифтли ажратгичларга бўлинади. Ажратгичлар ички пакерловчи тугунлар билан жиҳозланади, яширин (думли) бошмоқ тизмаси орқали суюқлик циркуляциясини таъминлайди ёки мустаҳкамлаш тизмасини секциясини мустаҳкамлаш қувурларидан бурғилаш қувурларини ажратади.

Ажратгичларда секцияли ажратувчи тешикларни мавжудлиги яширин тизмани цементлаш жараёнида ва мустаҳкамлаш тизмасининг секциясидаги тампонаж аралашмасини ювувчи суюқликдан ажратишнинг имкониятини беради.

